

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ БУХОРО ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИ  
БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИ**

**ТУРАЕВ УЛУҒБЕК УТКИРОВИЧ**

**“ТАКРОРИЙ ЭКИН ТУРЛАРИНИ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ВА  
КУЗГИ БУҒДОЙ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ” (БУХОРО  
ВИЛОЯТИ ЎТЛОҚИ - АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА)**

**06.01.01-Умумий деҳқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**  
**Contents of dissertation's abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Тураев Улуғбек Уткирович**

“Такрорий экин турларини тупроқ унумдорлиги ва кузги буғдой  
ҳосилдорлигига таъсири” (Бухоро вилояти ўтлоқи - аллювиал  
тупроқлари шароитида)..... **3**

**Тураев Улуғбек Уткирович**

Влияние видов повторных культур на плодородие почвы и урожайность  
озимой пшеницы (в условиях лугово-аллювиальных почв Бухарской  
области)..... **21**

**Turaev Ulug'bek Utkirovich**

The influence of repeated types of crops on soil fertility and the yield of  
winter wheat (Under the conditions of meadow-alluvial soils of the Bukhara  
region)..... **39**

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... **45**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ БУХОРО ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИ  
БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИ**

**ТУРАЕВ УЛУҒБЕК УТКИРОВИЧ**

**“ТАКРОРИЙ ЭКИН ТУРЛАРИНИ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ВА  
КУЗГИ БУҒДОЙ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ” (БУХОРО  
ВИЛОЯТИ ЎТЛОҚИ - АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА)**

**06.01.01-Умумий деҳқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3.PhD/Qx1460 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.ddeiti.uz](http://www.ddeiti.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий рабар:**

**Бобомирзаев Пирназар Хурсанович**  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Негматова Сурайё Тешаевна**  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Иминов Абдували Абдуманнобович**  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти**

Диссертация химояси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти хузуридаги PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «19» 09 куни соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170600 Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05; факс: (+99874) 373-12-05; e-mail: [ddeiti19@mail.ru](mailto:ddeiti19@mail.ru); Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Маъмурий биноси, 2-қават, (Анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиниш мумкин (№ 37 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05;)

Диссертация автореферати 2025 йил «19» 09 куни тарқатилди.  
(2025 йил «19» 09 даги 1 -рақамли реестр баённомаси).



**Р.И. Сиддиқов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**М.Я. Джўраев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

**С.О. Абдурахмонов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда “...дунёда кузги буғдой 239 млн. гектардан ортиқ майдонга экилиб, ялпи маҳсулот 789,0 млн. тоннани ташкил этмоқда”<sup>1</sup>. “Буғдой дон ҳосили етиштириш бўйича Хитой (137,7 млн.т), Ҳиндистон (107,7 млн.т), Россия (104,2 млн.т), АҚШ (104,2 млн.т), Австралия (36,2 млн.т) давлатлари етакчи ҳисобланади”<sup>2</sup>. Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳамда илмий-тадқиқот ишларини ишлаб чиқариш билан интеграциялаш бутун дунёда асосий вазифалардан биридир. Буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун дунёда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда алмашлаб экиш тизимида мақбул такрорий экин турларини етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Дунё деҳқончилигида кузги буғдой бошқа донли экинлардан фарқли равишда ўтмишдош экинларга жуда талабчан бўлиб, уни интенсив технология асосида етиштиришда бир майдонга 2-3 йил сурункасига экиш дон ҳосилини кескин пасайишига олиб келади. Бу борада, турли тупроқ-иқлим шароитларида шўрланган ерларда кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олишда ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқлар унумдорлигини оширишда асосий омиллардан бири мақбул такрорий экинларни тўғри танлаш ҳамда уларни етиштиришнинг илмий асосланган агротехнологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамызда ҳам жорий йилда кузги буғдой парваришида ресурс тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш натижасида 8,62 млн. тонна дон ҳосили етиштирилди. Албатта, буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун дунёда тупроқлар унумдорлигини сақлашда, оширишда алмашлаб экиш тизимида мақбул ўтмишдош ҳамда такрорий экин турларини етиштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш муҳимдир.

Хозирги кунда Республикамызда ғўза ва буғдой навбатлаб экиш тизими жорий этилган бўлиб, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон Фармони”<sup>3</sup>да 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси “Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш тўғрисида” тупроқлар ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш, экин майдонларидан 2-3 марта ҳосил олиш, ҳосилдорликни 1,2 барборга ошириш алоҳида вазифа қилиб белгиланган. Бу борада Республикамызнинг тули даражада шўрланган ерларида кузги буғдой парваришида тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилайдиган такрорий экин турларини танлаш, уларнинг тупроқ хоссаларига ҳамда дон ҳосили ва унинг сифатига таъсирини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш соҳада долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 16-январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора тадбирлари

<sup>1</sup><https://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru>

<sup>2</sup><https://agromics.ru/novosti/zerno>

<sup>3</sup><https://lex.uz/docs/4567334>

тўғрисида”ги ПФ-5303-сон Фармони”<sup>4</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 23-октябр ПФ-5853-сонли Фармони”<sup>5</sup>, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030-йилларга мўлжалланган стратегияси, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018-йил 27-ноябрдаги 959-сон қарорлари”<sup>6</sup> ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Турли тупроқ иқлим шароитларида кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили олишда ўтмишдош ва такрорий экинлар, ҳамда тупроқ унумдорлигининг тасири бўйича хорижда A.Ndayegamiye, A.Ifeduba, Y.Zhao, X.Fu, M.Shao, X.Wei, L.Wang, A.Ullah, V.Gutsche, D.Fuller, R.Horton, N.Peter, A.Bennetлар ва Республикамизда Б.Халиков, Р.Тиллаев, Р.Орипов, Б.Ниёзалиев, М.Тожиев, Ф.Хасанова, И.Карабоев, У.Исмоилов, Д.Ёрматова, К.Тожиев, А.Иминов, Ф.Намозов, С.Негматова, Б.Избосаров, А.Мансуров, С.Турсунов, М.Назаров, А.Тургунов, Ф.Бобоев, А.Бўриев, П.Бобомирзаевлар томонидан бир қатор илмий изланишлар олиб борилган ва ижобий натижаларга эришилган.

Бироқ, Бухоро вилоятининг шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва яхшилаш ҳамда кузги буғдой ҳосилдорлигига такрорий экинларнинг таъсирини ўрганиш борасида илмий изланишлар етарлича амалга оширилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2019-йил, 28-декабрдаги №6-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган “Бухоро вилоятининг шўрланган тупроқлари шароитида тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда ресурстежамкор агротехнологияларини қўллашнинг самарадорлигини баҳолаш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган (2019-2022 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш билан бирга, кузги буғдойдан сифатли юқори ҳосил олишни таъминлайдиган мақбул такрорий экинларни танлаш, ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/3506750>

<sup>5</sup> <https://lex.uz/docs/4567334>

<sup>6</sup> <https://www.lex.uz/uz/docs/-4082248?ONDATE=27.02.2021&ONDATE2=28.11.2018&action=compare>

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида такрорий экин турларини етиштиришининг тупроқ агрокимёвий хоссаларига (улар томонидан тупроққа қайтган органик моддалар анғиз ва илдиз қолдиқлари ҳамда таркибидаги NPK миқдори) таъсирини аниқлаш;

тупроқ агрофизикавий хоссаларини (тупроқ дондорлиги, тупроқ қатламларининг ҳажм массаси, ғоваклиги ва сув ўтказувчанлиги) такрорий экин турларига боғлиқ ҳолда ўзгаришини аниқлаш;

тупроқнинг микробиологик фаолиятига (бактериялар, азотофиксаторлар, нитрификатор, замбуруғлар ва актиномицетлар миқдори) такрорий экинларни таъсирини ўрганиш;

такрорий экинлардан кейин экилган кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, илдиз тизими, ҳосил структураси шаклланиши, ҳосилдорлиги ва дон сифатига таъсирини аниқлаш;

такрорий экинлардан сўнг кузги буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқ, юмшоқ буғдойнинг “Алексеич”, такрорий экинлар тарикнинг “Саратовское 853”, ловиянинг “Равот”, мошнинг “Турон”, оқ жўхорининг “Ўзбекистон 5” навлари ва маккажўхорининг “Молдавский 215 АМВ” дурагайи олинган.

**Тадқиқот предмети** бўлиб, такрорий экинларнинг тупроқда қолдирган илдиз ва анғиз қолдиқлари, тупроқ агрофизикавий, агрокимёвий хоссалари ва микробиологик фаолияти, кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланишига, илдиз тизимининг шаклланиши, дон ҳосили ва унинг сифати, иқтисодий самарадорлигига таъсири ҳисобланади.

**Тадқиқот услублари.** Илмий-тадқиқот ишларида тажрибаларни кўйиш, биометрик ўлчаш, фенологик кузатишлар ЎзПИТИнинг “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари (2007й.)”, «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (1963г.), «Методы биохимического исследования растений» (1987г.) услубий кўлланмалари асосида олиб борилди. Маълумотлар математик-статистик таҳлиллари Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1985г.) услуби бўйича ва Microsoft Excel дастурида ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида тупроқ унумдорлигини яхшилашда ҳамда кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда макбул такрорий экин турлари аниқланган;

такрорий экин ловия ва мошнинг илдиз ҳамда анғиз қолдиқлари ҳисобидан тупроққа қайтган озика моддалар миқдори тегишлича N-27,16-32,30; P-13,97-18,10; K-26,83-29,47 кг/га қолиши аниқланган;

тупроқнинг 0-30 см қатламидаги дастлабки озика моддалар миқдорига нисбатан вегетация охирида мош ва ловия экилганда гумус 0,028;0,022%, N-NO<sub>3</sub>-2,24; 2,74 мг/кг, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-2,57; 2,97 мг/кг ва K<sub>2</sub>O-14-11 мг/кг ортган бўлса, маккажўхори ва оқ жўхори экилганда эса, аксинча, маълум миқдорда

камайганлиги (гумус 0,007;0,008%, N-NO<sub>3</sub>-0,30; 0,20 мг/кг, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-1,2; 1,01 мг/кг ва K<sub>2</sub>O-3;2 мг/кг) аниқланган;

ловиянинг Равот нави ва Мошнинг Турон навини такрорий экин сифатида етиштирилганда тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов 0-30 см қатламда 0,055;0,061 г/см<sup>3</sup> камайганлиги, ғоваклиги 2,1-2,3% ва тупроқнинг 10-0,25 ммли агрегатлар миқдори 8,1-9,6% га ортганлиги, сув ўтказувчанлиги 94,3-112,3 м<sup>3</sup>/га ортиб яхшилангани аниқланган;

такрорий экин сифатида ловиянинг Равот нави ва Мошнинг Турон навини етиштириш экишдан олдинги ҳолатига нисбатан вегетация охирида тупроқ микроорганизмлари фаолиятига ижобий таъсир этиб тупроқ ҳайдов 0-30 см қатламида экинларга мос ҳолда бактериялар - 26,1-26,9 млн/г, азотофиксаторлар - 42,8-49,2 млн/г, нитрификатор - 24,5-29,7 минг/г, замбуруғлар-26,7-27,6 минг/г, актиномицетлар - 13,6-15,8 млн/г ошишига ва натижада кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланишига қулай шароит яратилганлиги ҳамда, 1 м<sup>2</sup> даги маҳсулдор поялар мос равишда 67-77 дона, битта бошоқдаги дон сони 1,2-1,5 дона, 1000 дона дон массаси 1,0-1,1 г га юқори бўлиши аниқланган;

ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида кузги буғдой такрорий экин ловия (Равот нави) ва мош (Турон нави)дан сўнг етиштирилганда дон ҳосили 70,2-71,4 ц/га бўлиб, шартли соф фойдани 6414,0-6676,0 минг сўм/га, рентабеллик даражаси 71,0 ва 73,9% га юқори бўлганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўртача шўрланган ерларда такрорий экин сифатида тарик (26,5 ц/га), ловия (16,7 ц/га), мош (16,1 ц/га), маккажўхори (яшил масса ҳосили 249,5 ц/га) ва оқ жўхори (яшил масса ҳосили 217,0 ц/га) етиштириш дон ва яшил масса ҳосили олиши билан бирга, гектарига 2,07-4,51 т. гача илдиз ва анғиз қолдиқлари қолдириб, улар ҳисобидан тупроққа қайтган озика моддалар миқдори гектарига N-9,19-32,30; P-3,68-18,10; K-5,07-29,47 кг/га қолиши аниқланган;

такрорий экинлар ловия, мошдан кейин тупроқнинг агрономик жиҳатдан қимматли бўлган (10-0,25 мм) агрегатлари миқдори амал даври бошига нисбатан 0-30 см қатламда экинларга тегишлича 8,1-9,6%, 30-50 см қатламда 1,5-1,8% га ошиб бориши, ҳажм массаси 0-30 см ҳайдов қатламида экинларга тегишли равишда 0,055-0,061 г/см<sup>3</sup> камайганлиги, тупроқнинг ғоваклиги тегишли равишда 0-30 см қатламда 2,1; 2,3% ошганлиги ҳамда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ижобий томонга ўзгариши кузатилиб, олти соат давомида сув ўтказувчанлиги мувофиқ ҳолда 738,6; 756,6 м<sup>3</sup>/га ёки назоратга нисбатан 94,3; 12,3 м<sup>3</sup>/га сув кўп ўтказганлиги аниқланган;

такрорий экин сифатида мош ва ловияни парваришlash дастлабки (экишдан олдин) ҳолатига нисбатан (амал даври охирида) тупроқ микробиологик фаолиятига ижобий таъсири аниқланган;

кузги буғдойни такрорий экинлар ловия ва мошдан сўнг етиштириш тарик, маккажўхори, оқ жўхоридан сўнг экилганга нисбатан 5,7-6,9 ц/га кўшимча дон ҳосили олишни таъминлаши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Дала ва ишлаб чиқариш

тажрибаларини олиб боришда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги, олинган маълумотлар математик-статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий натижаларга мослиги, тажриба натижаларининг Республика ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилганлиги ва изланиш натижалари амалиётда кенг қўлланилганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп қилинганлиги, ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, тадқиқот натижалари Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини тасдиқлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида такрорий экинлардан сўнг тупроқ унумдорлиги ва кузги буғдой ҳосилдорлигини оширишда самарадорлиги юқори бўлган такрорий экинлар ловия ва мош эканлиги қайд этилган ва асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, такрорий экин тарик, маккажўхори (силос учун) ва оқ жўхоридан (силос учун) сўнг кузги буғдойдан 64,5; 66,5; 67,6 ц/га дон ҳосили олишга эришилган бўлиб такрорий экин экилмаганга нисбатан 3,9-7,0 ц/га қўшимча ҳосил олинган. Такрорий экинлар ловия ва мошдан кейин кузги буғдой экилганда эса, дон ҳосилдорлиги 70,2-71,4 ц/га ни ташкил этиб, такрорий экин экилмаганга нисбатан 9,6-10,8 ц/га қўшимча ҳосил олиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида кузги буғдой учун мақбул такрорий, ўтмишдош экин турларини танлаш бўйича ўтказилган изланишлар натижасида:

Ғаллачиликка ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари учун “Тупроқ унумдорлиги ва дон ҳосилдорлигини оширишда мақбул такрорий экинлар ҳамда кузги буғдой етиштириш агротехникаси бўйича (Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари учун)” тавсияномаси ишлаб чиқилган (қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024-йил 11-октябрдаги 05/04-04-494-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияномадан ҳозирги вақтда Бухоро вилоятининг ғаллачиликка ихтисослашган агрокластерлар, фермер ҳамда деҳқон хўжаликларида кузги буғдой етиштиришда муҳим кўрсатма сифатида фойдаланиб келинмоқда;

Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида, ловия ва мошдан кейин кузги буғдой экиш агротадбири Олот туманининг “Нарзи ойм” фермер хўжалигида 5,4 гектар (мош 3,0 га, ловия 2,4 га), “Яхшимурод Жума замини” фермер хўжалигида 4,8 гектар (мош 2,6 га, ловия 2,2 га), “Юнус” фермер хўжалигида 4,2 гектар (мош 2,0 га, ловия 2,2 га) туман бўйича жаъми 14,4 гектар (мош 7,6 га, ловия 6,8 га), Бухоро туманининг “Саидбобо Умиджон” фермер хўжалигида 4,2 гектар (мош 2,7 га,

ловия 1,5 га), “Шохижахон Тиллофайз” фермер хўжалигида 4,6 гектар (мош 2,5 га, ловия 2,1 га), туман бўйича жаъми 8,8 гектар (мош 5,2 га, ловия 3,6 га) жорий қилинган бўлиб, вилоят бўйича жаъми 23,2 гектар (мош 12,8 га, ловия 10,4 га) майдонда жорий этилган (қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024-йил 11-октябрдаги 05/04-04-494-сон маълумотномаси). Натижада, такрорий экинлар ловия ва мошдан сўнг кузги буғдой етиштирилганда 69,1-72,1 ц/га дон ҳосили олинган ҳамда 39,2-52,7% рентабеллик даражасига ва юқори самарадорликка эришилган;

Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида такрорий экин турларини экиш агротадбири жаъми 23,2 гектар майдонга жорий қилиниши (қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024-йил 11-октябрдаги 05/04-04-494-сон маълумотномаси), натижасида тупроқнинг агрофизик, агрокимёвий ва биологик хусусиятлари яхшиланиши билан бирга кузги буғдойдан кўшимча дон ҳосили 10,8; 9,2 ц/га ҳамда гектаридан 5,3-4,0 миллион сўм фойда олиниши таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари ҳар йили қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институтининг махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган, ишнинг асосий илмий натижалари бўйича 2 та Республика ва 2 та халқаро илмий анжуманларида маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналлар ва илмий-амалий анжуманларда жаъми 8 та илмий иш, жумладан, Республикада 2 та, хорижий журналларда 1 та, 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларда ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти илмий тилда ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тупроқ унумдорлиги ва кузги буғдойнинг ҳосилдорлигига ўтмишдош ҳамда такрорий экинларнинг таъсирини**

**ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шарҳи**” деб номланган биринчи бобида тупроқ унумдорлигини оширишда такрорий экинларнинг аҳамияти, кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига ўтмишдош ва такрорий экинларнинг таъсирини ўрганиш бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлардан олинган натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган.

Диссертациянинг **“Тажриба ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг иқлим ва тупроқ шароитлари, тадқиқотларни ўтказиш услублари, тажриба даласида қўлланилган агротехник тадбирлар, ўрганилган экинлар навларининг тавсифи тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Дала тажрибалари 2019-2022 йилларда Бухоро вилояти, Олот тумани худудида жойлашган “Нарзи ойим” фермер хўжалигининг ўтлоқи-аллювиал, ўртача шўрланган, механик таркибли ўрта қумоқ бўлган тупроқлари шароитида, такрорий экинлар тариқ (Саратовское 853 нави), маккажўхори (Молдавский 215 АМВ дурагайи), ловия (Равот нави), мош (Турон нави) ва оқ жўхори (Ўзбекистон 5 нави) нинг тупроқ унумдорлиги ва кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган.

Тажриба олиб борилган даланинг тупроғи суғориладиган ўтлоқи-аллювиал, ўртача шўрланган, дастлабки (2019 й) ҳайдалма 0-30 ва ҳайдалма ости 30-50 см қатламда тегишлича – куруқ қолдиқ 0,605-0,651%, гумус миқдори 0,881-0,798%, ҳаракатчан шаклдаги озик моддалар билан таъминланганлик даражасига кўра, қатламлар бўйича тегишлича – N-NO<sub>3</sub> + N-NH<sub>4</sub> миқдори 12,3-11,7 мг/кг жуда кам, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> 21,6-20,5 мг/кг кам, K<sub>2</sub>O 152,9-145,8 мг/кг кам таъминланган тупроқлар бўлиб ҳисобланади. Кучсиз шўрланишга яқин ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқнинг 0-30 см қатламида куруқ қолдиқ 0,605% ни, умумий ишқорийлик 0,030%, хлорид иони 0,073%, сульфат иони 0,367%, калций катиони миқдори 0,082%, магний катиони 0,046%, калий ва натрий катионлари миқдори 0,007% эканлиги аниқланди. Тупроқнинг 30-50 см қатламида эса куруқ қолдиқ бирозгина кўпроқ бўлиб 0,651% ни, умумий ишқорийлик ҳам юқори кўрсаткичга эга бўлиб 0,042% ва хлорид иони, сульфат иони, калций катиони миқдори кўпайди, калий ва натрий катионлари миқдори эса аксинча камайди. Тажриба даласи тупроғининг ҳажм массаси 1,35 г/см<sup>3</sup>, ғоваклиги 48,1% ни ташкил этган.

Дала тажрибалари 6 та вариантда, 4 қайтариқ, икки ярусда жойлаштирилиб, битта пайкал узунлиги 80 м, эгат кенлиги 90 см, эни эса 3,6 м, битта пайкал майдони 288 м<sup>2</sup>, тажрибанинг умумий майдони 6912 м<sup>2</sup> ни ташкил этган.

Тажрибада тупроқдаги гумус И.В.Тюрин услуби бўйича, N-NO<sub>3</sub>-Гранвалд-Ляжу услуби бўйича, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-Мачигин услубида, алмашинадиган калий эса оловли фотоколориметрда В.П.Протасов услубида, умумий азот ва фосфор К.Е.Гинзбург, Е.М.Шеглова ва В.В.Вилфиус, умумий калий Смит услубларида, тупроқ шўрланиш даражаси сувли сўрим таҳлиллари бўйича аниқланган.

Тупроқнинг агрофизикавий хоссалари - тупроқ ҳажм оғирлиги цилиндр ёрдамида Н.А.Качинский бўйича, ғоваклиги эса ҳисоблаш йўли билан, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги “Ички ва ташқи ҳалқалар” усулида, донадорлик кўрсаткичи Н.И.Савинов услуги бўйича аниқланган. Микробиологик таҳлилларда бактериялар миқдори гўшт пептонли агарда (ГПА), замбуруғлар Чапек муҳитида (Среда Чапека), актиномицетлар крахмал-аммиакли агарда (КАА) лаборатория шароитида аниқланган.

Дала тажрибаларда такрорий экинлар ва кузги буғдой ҳосилдорлиги Б.А.Доспехов бўйича статистик қайта ишланиб дисперсион таҳлил қилинган.


Диссертациянинг **“Такрорий экин турларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги”** деб номланган учинчи бобида такрорий экин турларининг ўсиши, ривожланиш фазалари ва ўсув даврининг давомийлиги ҳамда ҳосилдорлиги ўрганилган бўлиб, такрорий экинлар тарикдан ўртача 3 йилда гектаридан 26,5 ц. дон, маккажўхори гектаридан 249,5 ц. кўк масса, ловия гектаридан 16,5 ц. дон, мош гектаридан 16,1 ц. дон ва оқ жўхори 217,0 ц. кўк масса ҳосилини берганлиги баён этилган.

Диссертациянинг **“Такрорий экинларнинг тупроқ унумдорлигига таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида дала тажрибасида такрорий экин сифатида донли экинлардан тарик, маккажўхори (силос учун) ва оқ жўхори (силос учун) экилганда мувофиқ ҳолда илдиз қолдиғи 2,01; 3,01; 3,22 т/га, анғиз қолдиғи 1,29; 1,11 ва 1,00 т/га, дуккакли-дон экинлари ловия, мош экилганда эса экинларга мувофиқ ҳолда илдиз қолдиғи 1,40; 1,59 т/га, анғиз қолдиғи 0,68; 0,67 т/га, умумий миқдори эса ўртача уч йилда 2,08; 2,26 т/га илдиз ва анғиз қолдиқлари қолдирганлиги ҳамда улар таркибидаги озик моддалар билан юқори даражада таъминланганлиги баён этилган. Такрорий экинларни экилиши натижасида уларнинг илдиз ва анғиз қолдиқлари миқдори олиб борилган тажрибада 2019-2021 йиллар бўйича ҳосилдорлик кўрсаткичларидан келиб чиқиб, экинларнинг илдиз ва анғиз қолдиқлари таркибидаги озика моддалар миқдори дуккакли-дон экинлари экилган вариантларда ошиб бориши аниқланган. Тадқиқотларда такрорий донли экинлар тарик, маккажўхори ва оқ жўхори экилганда илдиз қолдиқлари таркибида озика моддалар миқдори экинларга мувофиқ ҳолда N-0,345-0,350-0,300%, P-0,110-0,150-0,160, K-0,170-0,200-0,190% ни анғиз қолдиқлари таркибида N-0,175-0,170-0,140%, P-0,114-0,650-0,600%, K-0,128-0,570-0,540% ни ташкил этиб, ўртача уч йилда такрорий экинларга мос равишда 2,01-3,01-3,22 т/га умумий илдиз ва 1,29-1,11-1,00 т/га анғиз қолдиқлари тўплаган бўлса, тупроқда жами N-9,19-12,42-11,06 кг/га, P-3,68-11,72-11,15 кг/га, K-5,07-12,35-11,52 кг/га озика моддалари қайтарилган ҳамда донли экинлар маккажўхори, оқ жўхорида илдиз массаси юқори бўлсада, тарик таркибидаги NPK миқдори бошқа такрорий экинларга нисбатан камлиги билан изоҳланди. Бу кўрсаткичлар такрорий экинлар ловия, мош экилганда энг юқори бўлиб, илдиз қолдиқлари ҳисобига N-1,401-1,510%, P-0,850-0,995%, K-1,125-1,150%, анғиз қолдиларида N-1,110-1,237%, P-0,305-0,340%, K-1,630-1,670% ни ташкил этиб, гектарига N-27,16-32,30 кг/га, P-13,97-18,10 кг/га, K-26,83-29,47 кг/га миқдорида озика моддалари тупроққа қайтарилганлиги аниқланди.

Тажриба майдонида тупроқнинг агрономик жиҳатдан қимматли


фраксиялари (10-0,25 мм) бўлган қисми 0-30, 30-50 см қатламларида намуна олинганда амал даври бошида назорат вариантида 55,6-59,3% ни ташкил қилган бўлса, такрорий экинлар тариқ, маккажўхори (силос учун) ва оқ жўхори (силос учун) экилган вариантларда эса агрономик жиҳатдан қимматли бўлган яъни, 10-0,25 мм гача бўлган агрегатлар микдори 0-30 см қатламда тегишлича 0,5-0,2-2,4% га ошиб, 30-50 см қатламда эса, 5,2-5,4-4,6% гача камайиши белгиланган.

Такрорий экинлар ловия, мошдан кейин тупроқнинг агрономик жиҳатдан қимматли бўлган (10-0,25 мм) агрегатлари микдори амал даври бошига нисбатан 0-30 см қатламда экинларга тегишлича 8,1-8,6%, 30-50 см қатламда 1,5-1,8% га ошиб бориши қайд этилди (1-расм).



**1-расм. Такрорий экинларнинг тупроқ донадорлигига таъсири, % (2019-2021 йй.)**

Тажирибада кузги буғдойдан кейин тупроқнинг 0-30 см қатламдаги ҳажм массаси 1,35 г/см<sup>3</sup> ни, 30-50 см қатламда 1,41 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этиб, такрорий экин сифатида тариқ, маккажўхори, ловия, мош, ва оқ жўхори экилган барча вариантларда тупроқнинг иккала қатламдаги тупроқ ҳажм массаси сезиларли зичланмагани аниқланди.




**2-расм. Такрорий экин турларини тупроқ қатламларидаги ҳажм массасига таъсири, г/см<sup>3</sup> (2019-2021 йй.)**

Энг яхши натижалар ловия ва мош экилган вариантларда кузатилиб, унинг ҳажм массаси ижобий томонга ўзгаришига олиб келди. Ловия ва мош экинлари амал даври охирида тупроқнинг 0-30 см қатламидаги ҳажм массаси экинларга мувофиқ ҳолда 1,297; 1,291 г/см<sup>3</sup> ни, тупроқнинг 30-50 см қатламида эса мутаносиб равишда 1,356; 1,352 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этди. Кузги


буғдойни ловия ва мошдан кейин экилган вариантларда ҳажм массаси 0-30 см ҳайдов қатламида экинларга тегишли равишда 0,055-0,061 г/см<sup>3</sup> камайганлиги аниқланди (2-расм).

Дала тажрибаларидан олинган маълумотларнинг таҳлилига кўра, тупроқ ҳажм массаси бевосита тупроқ структурасига, хусусан донадорлигига боғлиқ. Тупроқ ҳажм массаси ва тупроқ донадорлиги орасидаги муносабат статистик таҳлил этилганида, кўрсаткичлар орасида йўналишига кўра тесқари, ифодаланишига кўра тўғри чизиқли боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Боғлиқликнинг регрессия тенгламаси  $y = a + bx$  га бўйсунуши, детерминация коэффиценти ( $R^2$ ) 0,91 га ва корреляция коэффиценти ( $r$ ) - 0,95 га тенглиги аниқланди (3-расм). Бундан хулоса чиқариш мумкинки, тупроқ қанчалик донадор бўлса, унинг зичлиги (ҳажм массаси) шунчалик кичик бўлиши муқаррар, олинган натижаларда бу 91% эҳтимоллик билан содир бўлди.



**3-расм. Тупроқ ҳажм массасининг тупроқ донадорлигига боғлиқлиги (2019-2021 йй.)**

Тажрибада такрорий экинларни экишдан олдин тупроқ ғоваклиги 0-30 см қатламда 48,1%, 30-50 см да 45,8% ни ташкил этган бўлса, такрорий экинлар тариқ, маккажўхори (силос учун), ловия, мош ва оқ жўхори (силос учун) экилиши тупроқнинг ғоваклигига ижобий таъсир этиб, ушбу кўрсаткичлар такрорий экинларда тегишли равишда 0-30 см қатламда 49,0; 48,9; 50,1; 50,3; 49,0 ва 30-50 см қатламда эса 46,7; 46,6; 47,8; 48,1; 46,6% ни ташкил этди.




**4-расм. Такрорий экин турларини тупроқ қатламларидаги тупроқ ғоваклигига таъсири,% (2019-2021 йй.)**

Тажриба ниҳоясида эса барча такрорий экинларда ҳам бир хил қонуният, яъни тупроқнинг ғоваклик хусусиятининг яхшиланиши кузатилди. Яъни

ловия ва мош экинида бу яққол кўриниб экинларнинг вегетация даври охирида тупроқнинг ғоваклиги тегишли равишда 0-30 см қатламда 2,1; 2,3% ошган бўлса, ушбу кўрсаткичлар тариқ ва маккажўхори экинларида 0,9; 0,8% ни ташкил этганлиги аниқланди. Оқ жўхори (силос учун) экинида эса тупроқ ғоваклиги 1,0% ортиши қайд этилди. Тупроқ ғоваклиги 30-50 см қатламда ловия ва мош экинида тегишли равишда 2,1; 2,4% га ошиши кузатилди (4-расм). Тадқиқотлар олиб борилган йилларда бир-бирига яқин маълумотлар олиниб, тупроқ ғоваклигининг яхши кўрсаткичлари ловия ва мош экилган вариантларда кузатилиб, бу эса албатта экинларнинг яхши ўсиб ривожланишида ўз таъсирини кўрсатиб тупроқ унумдорлигини оширишига ва ўз навбатида кузги буғдой ҳосилдорлигини ортишига ижобий таъсир этиши аниқланди.


Тупроқ ғоваклиги ҳам бевосита тупроқ структурасига, хусусан донадорлигига боғлиқлиги аниқланди. Тупроқ ғоваклиги ва тупроқ донадорлиги орасидаги муносабат статистик таҳлил этилганида, кўрсаткичлар орасида йўналишига кўра тўғри, ифодаланишига кўра тўғри чизиқли боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Боғлиқликнинг регрессия тенгламаси  $y = a + bx$  га бўйсунуши, детерминация коэффиценти ( $R^2$ ) 0,89 га ва корреляция коэффиценти ( $r$ ) 0,94 га тенглиги аниқланди (5-расм.). Бундан хулоса чиқариш мумкинки, тупроқ қанчалик донадор бўлса, у шунчалик ғовак бўлади, олинган натижаларда бу 89% эҳтимоллик билан содир бўлди.



**5-расм. Тупроқ ғоваклигининг унинг донадорлигига боғлиқлиги (2019-2021 йй.)**

Тадқиқотларда вегетация охирида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги вариантлар бўйича турлича ўзгарганлигини кузатишимиз мумкин яъни, такрорий экинлар тариқ, маккажўхори, ловия, мош ва оқ жўхори экилган вариантларда сув ўтказувчилик 6 соатда мувофиқ ҳолда 719,3; 706,3; 738,6; 756,6 ва 726,4 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этиб, назорат вариантыга нисбатан тегишлича 75,0; 62,0; 94,3; 112,3; 82,1 м<sup>3</sup>/га кўп сув ўтказганлиги ёки мос ҳолда сув ўтказувчанлик тезлиги 0,200; 0,196; 0,205; 0,210; 0,202 мм/мин бўлганлиги кузатилиб, такрорий экинлар экилган вариантларда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги яхшиланганлиги аниқланди. Такрорий экинлардан сўнг экилган кузги буғдой вегетация даври бошида назорат вариантда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 644,3 м<sup>3</sup>/га бўлган бўлса, вегетация даври охирида бу кўрсаткич 593,8 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этиши ёки 50,5 м<sup>3</sup>/га камайиши аниқланди.

Бу кўрсаткич тариқ, маккажўхори (силос учун) ва оқ жўхори (силос учун) экилган вариантларда тегишлича 55,6; 55,1; 56,6 м<sup>3</sup>/га кўп бўлиши кузатилди. Тажрибамизда ловия, мош экилган вариантларда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ижобий томонга ўзгариши кузатилиб, олти соат давомида мувофиқ ҳолда 738,6; 756,6 м<sup>3</sup>/га сув ўтказди ёки назоратга нисбатан 94,3; 112,3 м<sup>3</sup>/га сув кўп ўтказганлиги кузатилди. Булардан сўнг кузги буғдой экилганда амал даври охирида назоратга нисбатан мос равишда 84,3, 97,4 м<sup>3</sup>/га ёки сув ўтказувчанлик тезлиги, ўртача 6 соатда 0,023; 0,027 мм/мин сув кўп ўтказганлиги аниқланди (6-расм).



**6-расм. Такрорий экинларнинг вегетация даври охирида тупроқ сув ўтказувчанлигига таъсири, м<sup>3</sup>/га (2019-2021 йй.)**

Тажриба даласи тупроғидаги микроорганизмлар миқдори такрорий экинларни экишдан олдин яъни назорат (такрорий экин экилмаган) вариантда тупроқнинг 0-30, 30-50 см қатламларида тегишли равишда бактериялар 35,3-24,2 млн/г, азотафиксаторлар 23,7-16,5 млн/г, нитрификаторлар 48,7-36,0 минг/г, замбуруғлар 34,4-21,4 минг/г, актиномицетлар 29,4-17,2 млн/г бўлиганлиги аниқлаган. Такрорий экин мошдан сўнг бактериялар 62,2-44,3, азотафиксаторлар 72,9-44,0 млн/г, нитрификаторлар 78,4-56,2 минг/г, замбуруғлар 62,0-47,0 минг/г, актиномицетлар 45,2-32,3 млн/г ортиб назоратга нисбатан микроорганизмлар сони 2 ва ундан юқорига ортганлиги аниқланган.

Диссертациянинг “**Такрорий экинлардан кейин экилган кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги**” деб номланган бешинчи бобида такрорий экинларнинг сўнги таъсирида ўсимликнинг намлик, озик моддалар билан етарли даражада таъминланиши, органик моддаларни тўпланишига мақбул шароит бўлганлиги ҳисобига такрорий экинлар ловия, мошдан сўнг кузги буғдой экилган вариантларда ўсув даври 245-246 кунгача бўлиши кузатилди, маккажўхори ва оқ жўхори экилган

вариантларда тупроқдан кўп миқдорда озик моддаларни ўзлаштириши ва тупроқдаги намликни камайиши таъсирида кузги буғдойни ўсув даври назорат (такрорий экин экилмаган анғиз) га нисбатан 1-4 кунга фарк қилганлиги аниқланди.

Кузги буғдой ўсимликларини яшовчанлиги такрорий экинларга боғлиқ ҳолда ўзгарди. Турли такрорий экинлардан сўнг экилган кузги буғдой яшовчанлиги боғлиқ ҳолда 1м<sup>2</sup> да 301 (70,2%) дан 347 (76,7%) донагача сақланди. Энг юқори миқдорда сақланиб қолган ўсимликлар мош экилган пайкалларда аниқланди.

Турли такрорий экинлардан сўнг экилган кузги буғдойнинг бўйи 85,3 см дан 87,8 см гача ўзгариши, кузги буғдой (назорат такрорий экин экилмаган анғиз) вариантыда экилган ўсимликлар бўйи энг паст 85,3 см бўлиши аниқланди. Тадқиқотларимизда назорат вариантыда маҳсулдор поялар сони бир м<sup>2</sup> да 487,8 дона, такрорий экинлар тариқдан сўнг экилган кузги буғдойда 510,0 дона, маккажўхори (силос учун) дан сўнг 525,9 дона, ловиядан сўнг 555,2, мошдан сўнг 565,7 дона ва оқ жўхори (силос учун) дан сўнг 534,8 донани ташкил этиши аниқланди.

Кузги буғдойнинг илдиз тизимини шаклланишида энг юқори кўрсаткичлар эса такрорий экин ловия, мош экинларидан сўнг экилганда илдиз тизимининг шаклланиши ижобий томонга ўзгариши кузатилди. Бу кўрсаткичлар ловия ва мошдан сўнг кузги буғдой экилганда 0-30 см қатламда 180,16-182,31 г; 30-60 см қатламда 21,05-22,78 г; 60-180 см қатламда эса 11,19-11,69 г; жами 212,40-216,78 г ни ташкил этди. Такрорий экин мошдан сўнг кузги буғдойнинг илдиз тизими шаклланиши 0-30 см қатламда 182,31 г; 30-60 см қатламда 22,78 г; 60-180 см қатламда эса 11,69 г; жами 216,78 г бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 33,26 г кўп илдиз массаси шаклланганлиги аниқланди. Кузги буғдойнинг илдиз тизимининг шаклланиши такрорий экинлар таъсирида ошиб бориши кузатилиб назорат (такрорий экин экилмаган анғиз), тариқ, маккажўхори (силос учун) ва оқ жўхори (силос учун) бўлган вариантларда тупроқнинг юза қатламларида дуккакли-дон экинлари ловия, мош экинларига нисбатан илдиз миқдори кам ҳосил бўлиб, пастки қатламларда эса жонли ривожланиши кузатилди.

Бироқ, такрорий экин ловия, мошдан сўнг кузги буғдойнинг илдиз тизimini шаклланиши тариқ, маккажўхори (силос учун), оқ жўхори (силос учун) ҳамда назорат (такрорий экин экилмаган анғиз) вариантга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди.

